



NAMANGAN  
VILOYATI  
HOKIMLIGI



**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ,  
ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ  
ФЕДЕРАЦИЯСИННИГ НАМАНГАН  
ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА САВДО-САНОАТ  
ПАЛАТАСИ ВИЛОЯТ ҲУДУДИЙ  
БОШҚАРМАСИ ЎРТАСИДА  
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ  
МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА  
2023-2025 ЙИЛЛАР УЧУН**

**ҲУДУДИЙ ЖАМОА  
КЕЛИШУВИ**

**Наманган шаҳар 2023 йил**

**Наманган вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерациясининг Наманган вилоят Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси  
вилоят ҳудудий бошқармаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар  
бўйича 2023-2025 йиллар учун  
ХУДУДИЙ ЖАМОА КЕЛИШУВИ**

Наманган вилоят ҳокимлиги (бундан буён – “Ҳокимият”), Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилоят Кенгаши (бундан буён – “Касаба уюшмалари”) ва Савдо-саноат палатаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси (бундан буён – “Иш берувчилар”) кейинги ўринларда “Тарафлар” деб аталувчи мухтор вакиллар тимсолида:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун хужжатларига амал қилиб;

Фуқаролар, иш берувчилар ва давлат манфаатлари муштараклигини эътироф этиб;

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясига амал қилган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаб;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиеев томонидан қўйилган: иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ривожлантириш, иқтисодий салоҳиятни кенгайтириш бўйича чоратадбирларни изчил амалга ошириш, тадбиркорлик субъектлари ракобатбардошлиги ва фаолияти самарадорлигини кучайтириш асосида аҳоли турмуш даражасини кўтариш вазифаси сўзсиз бажарилиши лозимлигини тасдиқлаб;

давлат, иш берувчилар ва ходимларнинг ижтимоий масъулияти ва улар ўртасидаги ижтимоий мулоқот муҳимлигини эътироф этган ҳолда;

ходимлар ва иш берувчиларнинг хуқуqlари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳоли ҳаёт даражасини муттасил ошириб бориш, жамиятда ижтимоий тотувлик ва барқарорликни саклаш борасида самарали ҳамкорликни кучайтириш мақсадида ижтимоий шериклик тамойилини амалга ошира бориб;

ижтимоий-иқтисодий сиёsat олиб боришининг асосий йўналишларини белгилаб берувчи мазкур Худудий жамоа келишувини туздилар (бундан буён “Келишув”) ва ўз зиммаларига қуйидаги йўналишлар бўйича мажбуриятларни олдилар.

## **I. Иқтисодиётни, маҳаллий ишлаб чиқаришни ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармон билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тариққиёт Стратегияси”да Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш борасида белгилаб берилган чора-тадбирлар ўз вақтида ва сўзсиз бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида Тарафлар келгуси даврда қуидагиларни ўта муҳим деб ҳисоблайдилар:

**1.** Иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш, саноатни ва ташки савдони диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, тайёр маҳсулот экспортини рағбатлантириш билан бир қаторда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш чораларини жорий этиш ҳисобига миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ва барқарорлигини оширишга доир ишларни ҳамкорликда олиб бориш.

**2.** Иқтисодиётда хусусий мулк улушкини ошириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, фаолиятнинг барча соҳаларида давлат иштирокини камайтириш бўйича ислоҳотларни янада чукурлаштириш.

**3.** Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси уч йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни – ошириб бориш ҳамда “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш учун замин яратиш.

**4.** Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушкини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш.

**5.** Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш.

**6.** Рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантириб, унинг ҳажмини оширишга қаратилган ишларни олиб бориш.

**7.** Вилоятда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш.

**8.** Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш.

**9.** Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали дехқон ва фермерлар даромадини ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини таъминлаш.

**10.** Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш.

**11.** Чорвачилик озуқа базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш.

**12.** Вилоятни мутаносиб ривожлантириш орқали ҳудудий иқтисодиётни ошириш.

**13.** Вилоятни муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тизимини ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш.

**14.** “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ҳудудларнинг “ўсиш нуқталари”дан келиб чиқиб, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуришга алоҳида эътибор қаратиш.

**15.** “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини ошириш.

## **II. Норма ижодкорлиги ишларида иштирок этиш ва ходимларнинг хуқуқий ҳимоясини таъминлаш**

Меъёрий ижодкорлик фаолиятини такомиллаштириш ва хуқуқий ҳимоя механизмларидан самарали фойдаланиш йўли билан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий хуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, Тарафлар қуидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

**16.** Ходимларнинг меҳнат ва бошқа ижтимоий-иқтисодий хуқуқлари ва қонуний манфаатларига тааллукли норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиша Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилоят кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси Наманған вилоят ҳудудий бошқармасининг иштирокини таъминлаш.

**17.** Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини амалиётга кенг жорий қилиш борасида қуидагиларни биргаликда амалга ошириш:

меҳнат соҳасидаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиша, ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш жараёнида ёки янги нормаларни ишлаб чиқиша таклифлар билан иштирок этиш;

аҳолининг янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси ҳақида хабардорлигини ошириш;

**18.** Меҳнат бозорини тартибга солиш соҳасида қонун билан ўрнатилган тартиб устидан назорат самарадорлигини ошириш, шу жумладан, касаба уюшмалари инспекцияларининг иштирокини кенгайтириш йўли билан.

**19.** Ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар ва ишонч телефонлари тармоғини кенгайтириш, сайёр қабулларни жорий этиш орқали ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан аҳоли билан Қайта алоқа механизми каналларини янада кўпайтириш.

**20.** Мехнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида касаба уюшмаларининг барча бошқарма ва идоралар ҳамда Савдо саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси билан тизимли ҳамкорлигини таъминлаш.

**21.** Касаба уюшмаларининг меҳнат қонунчилиги талаблари бузилган ҳолатлар бўйича киритган тақдимномаларини иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) кўриб чиқмагандаги ёки унданаги талабларни бажаришни асоссиз рад этганда Давлат меҳнат инспекциясига берилган қонуний ваколатларни кўллаган ҳолда бажарилишини таъминлашда кўмаклашиш.

**22.** Ходимлар, иш берувчилар, давлат ҳокимияти ва бошқарувчи органлари раҳбарларининг меҳнат қонунчилиги бўйича хукукий саводхонлигини ошириш.

**23.** Халқаро меҳнат стандартларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, уларнинг ташкилотларда ижроси юзасидан биргаликда мониторинг ўрнатиш.

**24.** Давлат ва касаба уюшмаларининг инспекциялари тизимини янада мустаҳкамлаш, шу жумладан “Мехнат М” Меҳнат низоларини кўриб чиқиши марказини ташкил этишни кўллаб-кувватлаш.

### **III. Меҳнатга ҳақ тўлаш, даромадлар ва аҳолининг турмуш даражаси**

Тарафлар келгуси даврда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оғишмай юксалтириб боришни, вилоят фуқароларини ижтимоий қўллаб-кувватлашни кучайтиришни назарда тутувчи чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилиши зарур деб ҳисоблайдилар. Бу мақсадда Тарафлар куйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

**25.** Мазкур Келишувнинг амал қилиш даврида меҳнаткашларнинг реал иш ҳақи ва даромадларини оширишга, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида меҳнат ҳақи улушини 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда сақлаб туришга доир чоралар кўриш.

**26.** Хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш учун асос сифатида Ягона тариф сеткасининг оширилган тариф коэффициентларини белгилашни жамоа шартномалари ва келишувлари орқали амалга ошириш.

**27.** Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг асосий ва қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбатни жамоа музокаралари натижасида ўрнатилишини таъминлаш.

**28.** Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф тизимидан тарифсиз тизимларига ўтишни тегишли тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги бўлинмаси билан олдиндан келишиб олинишини ҳамда ходимларнинг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ)ни баҳолашга

бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти сайланма органи вакиллари жалб этилишини таъминлаш.

**29.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли қарори билан тасдиқланган “Туман коэффициентлари, шунингдек, йиллик қўшимча таътилнинг энг кам муддати қўлланиладиган табиий-иклим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойлар рўйхати”да кўрсатилмаган табиий-иклим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган айrim жойларда ишлаганлик учун устамалар ва қўшимча таътиллар қўлланилиши тўғрисидаги шартларни нобюджет ташкилотларининг жамоа келишувлари ва шартномаларида назарда тутишни тавсия этиш.

**30.** Ташкилий-хуқукий шаклидан қатъий назар барча ташкилотларда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сон қарори билан тасдиқланган “Ишларнинг айrim технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармок коэффициентларини қўллаш тартиби ва уларнинг миқдорлари тўғрисидаги Низом” талабларини;

кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устамалар белгиланадиган ходимлар касблари ва лавозимлари рўйхати, шунингдек, устамалар миқдори иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда белгиланишини ва жамоа шартномасида кўрсатилишини;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг 2019 йил 22 январдаги 2-2019/КҚ, 9 ва 1/103-сон қарори билан тасдиқланган (рўйхат рақами 3130, 2019 йил, 23 январь) “Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги Низом” талабларини тадбиқ қилиш.

**31.** Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига риоя этилиши, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари касаба уюшмаси қўмиталари билан келишувга биноан белгиланиши, иш ҳақидан қонунчиликда қўзда тутилмаган ушлаб қолишларга йўл қўйилмаслиги устидан давлат ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш.

**32.** Иш берувчи томонидан иш ҳақини ва бошқа тўловларни тўлаш муддати бузилган тақдирда, уларни тўлов муддатидан кейинги кундан эътиборан то ҳақиқатда ҳисоб-китоб қилинган кунни ўз ичига олган муддатгача ҳар бир кечикирилган кун учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ўша вақтда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиқсан ҳолда фоизлар (пулли компенсация) билан бирга тўланишини давлат ва касаба уюшмалари меҳнат инспекциялари томонидан назораттга олиш.

**33.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабр “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4939-сон Қарори асосида касаба уюшмалари томонидан ходимларнинг меҳнат малака даражасини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи тўланилиши устидан тизимли жамғатчилик назорати ўрнатилиши

#### **IV. Меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга қўмаклашиш**

Меҳнат бозорининг самарали фаолият юритишини таъминлаш ҳамда аҳолини иш билан таъминланганлик даражасининг юксалтирилишини ўз мақсади деб эътироф этган ҳолда Тарафлар янги иш ўринларини яратиш, кадрлар салоҳиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасида кучларни бирлаштириш зарур деб ҳисоблайдилар ва қуидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

**34.** Бандлик йўналишлари, тармоқлар ва ҳудудлар кесимида аҳоли бандлиги йиллик дастурларини ишлаб чиқиш ва бажариш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаб бориш. Бунда барқарор иш ҳақини ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминловчи доимий иш ўринлари, айниқса қишлоқ жойларида яратилишига, иш ўринларини ташкил этаётган иш берувчиларни янада рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш.

**35.** Норасмий иқтисодиётдан расмий иқтисодиётга ўтиш концепциясини ишлаб чиқиша ва амалга оширишда иштирок этиш.

**36.** Ўзини ўзи банд қилганларни ва якка тартибдаги тадбиркорларни қўллаб-куватлаш, шу жумладан мақсадли жамғармалардан олинган субсидиялар ва кредитлардан (ёки тадбиркорларни қўллаб-куватлаш бўйича бошқа чора-тадбирлардан) фойдаланиш самарадорлигини ҳамда улар яратган иш ўринлари самарадорлигини мониторинг қилиш.

**37.** Халқаро Меҳнат Ташкилотининг услубиёти бўйича ҳисоблаб чиқилган умумий ишсизлик иқтисодий фаол аҳолининг 5 фоизидан ошмаслигини таъминлаш, ишсиз фуқароларни касбий тайёргарликдан ўтказиш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек уларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинишини кенгайтириш.

**38.** Олий, касб-ҳунар таълими муассасалари битиравчилари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидан муддатли ҳарбий хизматдан қайтган шахслар, ёшлар, вояга етмаган фарзандлари бор аёллар, ногиронлиги бор шахслар ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли қатламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштирилишига ҳар томонлама қўмаклашиш.

**39.** Мехнат бозорини таҳлил қилиш асосида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича мутахассислар тайёрлашни, таълим муассасалари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилиши ва иш ўринларида қўнимлилиги таъминланиши учун иш берувчиларни рағбатлантириш механизмларини жорий этиш.

**40.** Ижтимоий шериклар томонидан бандликнинг бекарор турларида банд фуқаролар хукуклари таъминланишига, хусусий бандлик агентликлари фаолияти устидан давлат ва жамоатчилик назоратини йўлга кўйишга, касаба уюшмаларининг ҳамда Савдо-саноат палатаси Наманганд вилоят худудий бошқармасининг вакилларини ҳокимликлар хузуридаги тегишли ишчи комиссиялар таркибига жалб этилишига кўмаклашиш.

**41.** Юридик шахсларнинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида иш жойидан бўшатилган ходимларнинг қонуний хукуқларига риоя этилиши, уларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш.

**42.** Ишлаб чиқариш корхоналарида малакали кадрларга эҳтиёж юқорилигини инобатга олган ҳолда долзарб касблар (пайвандчи, электромонтёр, турли станокларни ишлатиш бўйича мутахассислар, хизмат кўрсатиш соҳасидаги мутахассислар ва ҳ.к.)га тайёрлаш бўйича қиска муддатли инновацион ўкув курслар тармоғини кенгайтириш ва доимий равища ривожлантириб бориш.

**43.** Эркин иқтисодий зоналар худудида ташкил этилган корхоналарда яратиладиган янги иш ўринларининг 7 фоиздан кам бўлмаган микдорини захира қилиб қўйиш орқали касаба уюшмалари ва Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг йўлланмалари асосида ушбу иш ўринларига иш топишда қийналаётган ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ фуқароларни талаб мавжуд бўлган фаолият йўналишлари бўйича ишга жойлаштиришга кўмаклашиш.

**44.** Ёшлар, аёллар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ катламлари учун инклузив ва адолатли иқтисодий ўсиш натижасида яратилган бандлик ва муносиб меҳнат имкониятлари тўғрисида аҳоли ўз вақтида ва холисона хабардор қилинишини таъминлаш.

**45.** Ёшлар, хотин-қизлар ва банд бўлмаган аҳоли ўртасида касбга йўналтириш механизмларини тарғиб қилиш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, шу жумладан, Касбга йўналтириш марказларини ташкил этиш орқали.

**46.** Мехнат органлари ва Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги томонидан кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида аҳоли ва иш берувчиларнинг хабардорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ катламлари (ёшлар, аёллар, ногиронлар ва бошқалар)ни

чекка худудларда бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этиш орқали ишга жойлаштириш.

**47.** Хизмат кўрсатиш моделини такомиллаштириш, меҳнат бозоридаги фаол сиёsatни бошқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат органлари ходимлари меҳнати унумдорлигини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш орқали Давлат бандлик хизмати салоҳиятини кучайтириш.

**48.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 март “Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини кўллаб-куватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-149-сонли Қарорида белгилаб берилган вазифалар доирасида меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оила аъзолари учун ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш.

#### **V. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси**

Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасини ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири деб ҳисоблаган ҳолда, Тарафлар ўз зimmelарига куйидаги мажбуриятларни оладилар:

**49.** Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тизимини жорий этиш, унинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлашда иштирок этиш.

**50.** Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича худудий уч томонлама комиссиялар фаолиятини ташкилотларда меҳнат шароитларини яхшилашга ва хавфсизлигини таъминлашга йўналтириш;

**51.** Ходимларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланишларини олдини олиш, шунингдек, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини бартараф этиш ишларини амалга оширишга эътибор қаратиш ва жамоатчилик назоратини тизимли йўлга кўйиши.

**52.** Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар ва норматив-хукукий хужжатларда ҳамда тармоқ ва худудий келишувлар, жамоа шартномаларида кўзда тутилган, ходимларга яратилган меҳнат шароитлари, саноат ва экологик хавфсизлик ҳолатини давлат назорат органлари билан ҳамкорликда ўрганишни амалда кенг кўллаш.

**53.** Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича худудий уч томонлама комиссиясининг ваколати доирасида давлат ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда қуидагиларга эътибор қаратиш:

ташкилот раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан меҳнат шароитлари ва хавфсизлиги, шунингдек, ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари тўғрисида тўлиқ ахборот олиниши;

корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича тадбирларнинг молиялаштирилиши;

ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан давлат томонидан мажбурий ижтимоий сугурта қилинишини, шунингдек иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тизимини таъминланиши;

иш ўринларида меҳнат шароитларининг ҳолати, айниқса заарли ишлаб чиқариш омиллари ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари юзасидан назорат амалга оширилиши;

ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар белгиланадиган, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқи бериладиган, ногиронлиги бор шахслар банд бўлган заарли, хавфли ва бошқача меҳнат шароитларига эга иш ўринларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилиши;

дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклар белгиланган тартибда ўтказилиши;

иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳолати юзасидан кўзда тутилган мажбуриятларини бажаришини ўрганиш;

ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва компенсацияларни берилиши ҳамда уларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриклар берилгани, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўкувдан ва малака оширишдан ўтганлиги;

ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув, шахсий ҳимоя ҳамда гигиена воситалари билан таъминланиши, шунингдек жамоавий ҳимоя воситалари қўлланилиши ҳолати;

ишлаб чиқариш обьектлари ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланиш учун қабул қилиш комиссиялари ишида ҳамда тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида мустақил эксперт сифатида иштирок этилиши;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ва норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида таклифлар билан иштирок этиш;

ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талабларининг бузилиши ва баҳтсиз ҳодисаларни яширганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида ваколатли органларга мурожаат қилиниши;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича ваколатли вакилларни сайлаш, ўқитиш, ва уларни малакасини доимий равишда ошириб бориш ҳамда жамоа

шартномалари ва келишувларига улар ўз фаолиятини самарали амалга ошириши учун қулай шароитларни яратиш мажбуриятини киритилиши.

**54.** Мехнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалаларининг муҳим ўрин тутиши ҳакида жамоат фикрини шакллантириш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали кенг тушунтириш ишларини олиб бориш.

**55.** Касаба уюшмалари тизимида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича жамоат назоратини ташкил этиш юзасидан уч томонлама ҳамкорларни жалб этган ҳолда Республика кўрик-танловининг худудий босқичини ташкил этиш ва ўтказиш.

**56.** Ҳар йили 28 апрель “Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни”га бағишлиб ҳафталик ташкил этиш ва барча ташкилотларда нишонланишини ташкил этиш.

**57.** Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган меҳнат муҳофазасига оид Конвенциялари талаблари бажарилиши устидан ташкилий-хуқуқий шаклидан қатъий назар барча ташкилотларда мониторинг олиб бориш.

**58.** 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш иштирок этиш, муносиб меҳнат мақсадига етишда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши учун тизимли чора-тадбирлар ижросини таъминлаш.

**59.** Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ходисаларни олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва ижро этилиши бўйича жамоатчилик назоратини олиб бориш.

## **VI. Ижтимоий кафолатлар, ижтимоий ҳимоя**

Ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, муносиб ҳаёт учун меҳнат қилиш шарт-шароитларини яратиб бериш мақсадида Тарафлар ўз зиммаларига куйидаги мажбуриятларни оладилар:

**60.** Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш Стратегиясида қўйилган вазифаларни ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш.

**61.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2705-сонли Қарорини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш.

**62.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”ни амалга

оширишга оид Давлат дастурлари бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш.

**63.** Ҳар бир маҳаллада ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бор шахслар, имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган, кам таъминланган ҳамда кўп болали оиласарга моддий ёрдам кўрсатиш учун Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига асосан ҳар йили “Наврӯз” ва “Мустақиллик” байрамлари арафасида мақсадли умумхалқ хайрия ҳашарларини ўтказиш.

**64.** Жамоа келишувлари ва шартномалари орқали кам таъминланган оиласарга, кўп болали оиласарга, уруш ва меҳнат фахрийларига доимий равишида моддий ёрдам кўрсатиб бориш.

**65.** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилоят кенгashi ва Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан ёлғиз кексаларга, шунингдек “Саховат” ва “Мурувват” уйларига моддий кўмак чораларини қўллаш.

**66.** Давлат ижтимоий ёрдамларини, субсидиялар ёки имтиёзли кредитларни олувчи шахслар билан Ижтимоий контрактлар тузилишини таъминлаш.

**67.** Уруш ва меҳнат фахрийлари учун ҳамда “Саховат” интернат уйларида истиқомат қилувчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар йили бир марта Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси маблағлари ҳисобидан санаторийларда бепул соғломлаштириш.

**68.** Нотинч ва кам таъминланган оиласарни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Оилавий саёҳат” туристик пакетларни жорий этиш.

**69.** Фавқулодда ҳолатлар юзага келган тақдирда аҳоли учун Халқаро меҳнат ташкилотининг “Тинчликни ва қарши ҳаракат салоҳиятини таъминлаш мақсадида бандлик ва муносаб мебнат тўғрисида”ги 205-сон Тавсияси асосида ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш.

**70.** Ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизларни бандлигини таъминлаш ҳамда уларга ижтимоий — хукуқий, психологик, тиббий ва моддий ёрдам кўрсатиш.

## **VII. Маданий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш**

Тарафлар ўз зиммаларига қуидаги мажбуриятларни оладилар:

**71.** Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг фойдали ҳамда мазмунли хордиқ чиқаришларини ташкил этиш мақсадида маънавий-маърифий, маданий-оммавий ва спорт тадбирларини ҳамкорликда ўтказиш ҳамда 11 ноябрь – “Касаба уюшмалари куни” байрами муносабати билан вилоят миқёсида ва ташкилотларда турли тадбирлар ўтказиш.

72. Даволаниш ва дам олиш учун замонавий шароитлар яратиш, санаторийлар ва дам олиш уйлари, шунингдек, болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ўринлар сонини кўпайтириш ҳамда уларни модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратиш.

73. Ходимларга жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун етарли шароитлар яратиб бериш (спорт майдончалари ташкил этиш, маҳсус спорт хоналарини ажратиш), турли спорт секциялари ва тўгаракларига жалб этиш, меҳнат жамоаларида ходимлар гимнастикасини жорий этиш ҳамда жисмоний тарбия жамоалари фаолиятини йўлга қўйиш.

74. Ҳар йили кам таъминланган ва кўп болали оилалар аъзолари, Чернобил АЭСидаги фалокатни бартараф этиш иштирокчилари, байналминалчи жангчилар, ишлаётган меҳнат фахрийлари ва ногиронлиги бор шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси олдида хизматлари бор шахсларнинг маълум микдорини касаба уюшмалари тизимидағи санаторий ва дам олиш уйларида бепул соғломлаштиришни кўзда тутиш.

75. Ёз мавсумида болаларнинг болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этишга қаратилган тизимли чоратадбирларни амалга ошириб бориш.

76. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида “Мехрибонлик” уйлари тарбияланувчилари, шунингдек республиканинг экология жиҳатдан ноқулай минтақаларида истиқомат қилувчи болалар соғломлаштирилишига доимий равишда кўмаклашиш.

77. Иш берувчиларга ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар йили маданий дам олдириш ва соғломлаштиришларини ҳамда “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасидаги саёҳатлари учун шароит яратишларини тавсия этиш.

### VIII. Аёллар ва ёшлар учун кўшимча кафолатлар

Тарафлар аёллар ва ёшлар учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларга риоя этишни ва имтиёзлар беришни ўз зиммасига олган ҳолда куйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

78. Аёллар ва ёшларга кўшимча имтиёзлар берилишини назарда тутувчи идоравий норматив-хуқукий ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиши ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти конвенцияларига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиши ҳамда уларга кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар бериш.

79. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус”и бўйича дастурларидан келиб чиқиб, ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан:

ишилаётган ёшлар фаолиятидаги, олий ва касб-хунар таълимни муассасалари талабаларида салбий ҳолатларни, жумладан, эртанги кунга ишонч сўнишининг олдини олиш, иш ҳаки, меҳнат шароитларидан миннатдорлик ҳиссини уйғотиш мақсадида ёшлар ўртасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини амалга ошириш.

ёшларнинг хорижий тил, компьютер саводхонлиги ҳамда замонавий билимларни мукаммал эгаллашларига турли хил ўқувлар ўтказиш орқали кўмаклашиш, улар орасидан салоҳиятли ёшларни танлаб олган ҳолда кадрлар захирасини шакллантириш.

**80.** Жамоа шартномалари ва келишувларида қуйидагилар назарда тутилишини таъминлаш:

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини ташкилотларнинг ва улар таркибий бўлинмаларининг ваколатли шахси зиммасига юклатиш;

ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш;

хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликни бартараф этиш.

**81.** Жамоа шартномалари ва келишувларида аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-кувватлаш чораларини қўллаш масалаларини назарда тутиш, шу жумладан:

хомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш;

болали аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш ва қисқартирилган иш вақтини ўрнатиш;

таълим муассасалари битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида қўшимча имтиёзлар ўрнатиш;

хотин-қизларнинг жисмоний фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш,

хотин-қизлар учун саёҳатларни ташкил этиб бориши;

узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй-жой курилиши, шунингдек сафарбарлик чакируви захирасида хизматни ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фоизсиз ссудалар бериш.

#### **IX. Ижтимоий мuloқot va ijtimoiy sheriqlikni rivожлантириш**

Тарафлар, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги муаммоларни маърифий йўл билан ҳал этиш услуги ҳисобланган ижтимоий мuloқot ғоясига содиклигини эълон қилиб, ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

**82.** Касаба уюшмалари ва иш берувчилар бирлашмаларининг қонуний ҳукуқларига риоя этиш, уларнинг қонун хужжатларида белгилаб қўйилган

тартибда тузилишига ва фаолият юритишига тўсқинлик қилинишига йўл қўймаслик.

83. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, шунингдек пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари (кластерлар) иш берувчиларига касаба уюшмаси ташкилотини тузиш юзасидан тавсиялар бериш.

84. Нораєсмий тарзда банд бўлган, шунингдек кунлик ишчилар ҳамда ўзини ўзи банд қилган фуқароларни касаба уюшмаларига жалб қилиш чораларини кўриш.

85. Ягона музокара жараёнини тадбиқ қилиш мақсадида куйидагиларни тавсия этиш:

барча жамоа шартномалари ва келишувлари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказишни;

тегишли касаба уюшмалари ва иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) ўртасидаги ҳудудий тармоқ келишувларини - тегишли йилнинг январь оидан, корхона, ташкилот, муассасаларда жамоа шартномаларини эса – март оидан кечиктирмай тузишни;

тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларини бажариш якунларини касаба уюшмалари ва иш берувчилар ташкилотларининг қўшма мажлисларида, шунингдек, меҳнат жамоаларининг умумий йиғилиш (конференция)ларида ҳар йили 1 апрелдан кечиктирмасдан кўриб чиқилишини.

86. Касаба уюшмаларининг қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокини таъминлаш мақсадида куйидагиларни тавсия этиш:

тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларининг вилоят бўйича масъул ташкилотчилари, вилоят кенгашлари ҳамда бирлашган касаба уюшма қўмиталари раисларини бошқарма ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳайъатлари мажлисларида иштирок этишини;

бошлангич касаба уюшмаси ташкилоти раҳбарини корхонанинг бошқарув органларига киритилишини.

87. Долзарб ижтимоий иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш учун касаба уюшмалари фаоллари ва иш берувчиларнинг маҳаллий ҳокимият, бошқарма ҳамда идоралар вакиллари билан жамоатчилик эшитувларини ташкил этиб бориш.

88. Ходимларнинг ёзма аризалари мавжуд бўлганда касаба уюшмасининг тегишли ҳисоб варагига ходимларнинг иш ҳакидан ушлаб қолинган касаба уюшмасига аъзолик бадаллари ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш.

## **Х. Келишувнинг амал қилиши, уни амалга ошириш механизми ва бажарилиши учун тарафларнинг жавобгарлиги**

**89.** Мазкур келишув 2023-2025 йиллар учун тузилган бўлиб, навбатдагиси қабул қилингунга қадар амалда бўлади. Келишув Наманган вилоятининг бутун худудида амал қиласди.

**90.** Тарафлар мазкур Келишувни ижтимоий-иктисодий масалалар хусусида келишиб сиёsat олиб боришининг умумий принципларини белгилаб берувчи ижтимоий шерикликнинг асосий хужжати деб эътироф этадилар ҳамда мазкур Келишувга амал қилиш, унинг барча шартларини бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

**91.** Мазкур келишув имзолангандан сўнг Тарафлар келишувда белгиланган вазифаларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Наманган вилояти ҳокимлиги вилоятдаги барча давлат бошқаруви органлари ҳамда туман, шахар ҳокимликларига ижро учун юборилишини, улар томонидан зарур чоратадбирлар белгиланишини таъминлайди.

**92.** Мазкур келишувнинг айрим меъёрий ҳолатлари жамоа шартномаларига киритиш орқали амалга оширилиши лозим.

**93.** Мазкур Келишувга имзо чеккан ҳар бир Тараф унинг мақсадлари рўёбга чиқарилиши учун ўз ваколатлари доирасида масъулиятни тан олади ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этишда ҳамкорлик қилиш мажбуриятини олади.

**94.** Тарафлар мазкур келишувнинг амал қилиш даврида қўйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

а) ижтимоий-меҳнат муносабатларининг энг муҳим масалалари юзасидан Тарафларнинг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилишдан олдин ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказиш;

б) ҳар йили камида бир марта Келишув бажарилишининг бориши ва якунларини муҳокама қилиб бориш.

**95.** Мазкур Келишувга имзо чеккан Тарафларнинг ҳар бири унга аввал олинган мажбуриятларнинг бажарилишига тўсқинлик қилмайдиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар беришга ҳақлидир. Ушбу таклифлар Тарафларнинг ўзаро розилиги билан қабул қилиниши мумкин.

**96.** Мазкур Келишув бажарилиши устидан назоратни ижтимоий-иктисодий масалалар бўйича худудий уч томонлама комиссияси амалга оширади.



Наманган вилояти ҳокими

Ш.Абдуразаков

Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерациясининг Наманган  
вилоят кенгаши раиси



Х.Хожаев

Ўзбекистон Савдо саноат  
палатаси Наманган вилояти  
худудин бошқармаси

бошлари в.б.

У.Болғабаев

*[Signature]*

*[Signature]*

Наманган вилояти Бандлик бош бошқармаси томонидан

15.09.2023 йил 265 -сон билан рўйхатга олинди.



*[Handwritten signatures and notes]*